**“Тасдиқлайман”**
**“Ҳудудгазтаъминот” АЖ**
**Жамоатчилик кенгаши раиси**
______________ **Ш.Ахмедов**
“25” январь 2024 йил

**“Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан**
**2024 йил I-ярим йилликда ўтказиладиган тадбирлар**
**ИШ РЕЖАСИ**

| Т/р | Ўтказиладиган тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Ҳукумат томонидан табиий ва суюлтирилган газ таъминоти юзасидан қабул қилинаётган ҳужжатлар, қарорлар шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва фикрларининг инобатга олинганлигини чуқур таҳлил қилиш ҳамда жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | *Ҳужжатлар келиб тушганда* | Кенгаш аъзолари |
| 2. | Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан “Ҳудудгазтаъминот” АЖ фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш. | 2024 йил давомида | Кенгаш аъзолари (***Маметова, Уразов, Черников***) |
| 3. | “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида тегишли дастурлари натижадорлигини таҳлил қилиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча таклифлар тайёрлаш. | 2024 йил давомида | Кенгаш аъзолари ***(Ахмедов, ҳудудий жамоатчилик кенгаши раислари)*** |
| 4. | “Ҳудудгазтаъминот” АЖ фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирокини таъминлаш учун газ таъминоти филиалларида яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни янада яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2024 йил давомида | Кенгаш аъзолари (***Ахмедов, Камилов ва ҳудудий жамоатчилик кенгаши раислари***) |

| Т/р | Ўтказиладиган тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 5. | Ҳудудий газ таъминоти филиаллари ва туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилига кўра, туман (шаҳар)ларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратилган ҳамда “қизил” ҳудудлар билан алоҳида ишлаш тизимини ҳолатини ўрганиш. | Ҳар чорак якуни бўйича | Кенгаш аъзоси ***(Камилов, Исмоилов)*** |
| 6. | “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг ҳудудий газ таъминоти филиаллари ва уларнинг туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижро этилиши аҳволини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишда кўмаклашиш. | Белгиланган муддатларда | Кенгаш аъзоси ***(Камилов, Ахмедов)*** |
| 7. | Газ таъминоти бўйича истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида, соҳани рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда жараёнларни янада соддалаштириб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.<br>Шунингдек, истеъмолчиларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мулоқот маданиятини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2024 йил апрель | Кенгаш аъзолари ***(Ахмедов, Камилов)*** |
| 8. | Ижтимоий тармоқларда газ таъминоти бўйича бўлаётган мурожаатларни Жамият масъулларига етказиш ва мурожаатчилар томонидан кўтараётган масалаларни ечимини топишда амалий ёрдам кўрсатилишини назорат қилиш. | 2024 йил давомида | Кенгаш аъзолари ***(Маметова, Уразов, Черников)*** |
| 9. | Истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланишларини ташкиллаштириш учун амалга оширилаётган тарғибот ва ташвиқот тадбирлари самарадорлигини кўриб чиқиш, аҳоли ўртасида сўровномалар олиб борилишини ўрганиш ҳамда янада жадаллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2024 йил май | Кенгаш аъзолари ***(Ахмедов, Исмоилов)*** |

**Изоҳ:** *Жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг бажарилиш муддати, Кенгаш раиси билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.*

(Маметова) (Камилов) (Исмоилов)